O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI

NAMANGAN MUHANDISLIK-QURILISH INSTITUTI

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning dolzarb masalalari”

mavzusida Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiya

I

Namangan shahar, 2022-yil

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning dolzarb masalalari” mavzusida Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallari I-to‘plami

To‘plamga 2022 yil 29-30 sentyabr kunlari institutda o‘tkazilgan **“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning dolzarb masalalari”** mavzusida Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiya ishtirokchilarining I va II sho‘ba ilmiy ma’ruza materiallari kiritilgan.

NamMQI, 29-30 sentyabr, 2022 yil, Namangan shahri

Tahrir hay’ati:

t.f.n., dots.Sh.T.Ergashev, f-m.f.d., dots.M.Dadamirzayev, i.f.d., dots.O.A.Aripov, i.f.n., dots.I.Q.Sirojiddinov, i.f.d., dots.B.J.Mahmudov, i.f.d., dots.N.Sotvoldiyev, i.f.n., dots.M.Yu.Isakov, i.f.n., dots.A.Ya.Yuldashev, i.f.n., dots.R.A.Botirova, i.f.n.,dots.X.Talabbayev, PhD.U.T.Fayzullayev, E.S.Jurayev, U.A.Xolmirzayev, Sh.X.Ibrogimov, D.Umurzakov, I.V.Hojiboyeva, N.Nosirova, O.Boyturayev, M.Mahmudov

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining IT-texnologiyalar, telekommunikatsiyalar va innovatsion faoliyatni rivojlantirish masalalari departamentining 2022-yil 30-maydagi 08/8-8-son, Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining 2022-yil 1-iyundagi 3/19-2/6-221-sonli xatlari hamda institut rektorining 2022 yil 1 iyundagi 126/1-u-sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan ilmiy-tadbirlar rejasiga asosan o‘tkazildi.

chiqarishni modernizatsiya qilish, amaliy va fundamental tadqiqotlarga sarmoya kiritishni rag'batlantirish uchun soliq imtiyozlaridan foydalanadi;

2)Buyuk Britaniya, Fransiya, Germaniya va boshqa davlatlarning soliq qonunchiligida xususiy firmalarning ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlariga sarflangan xarajatlarini ishlab chiqarish tannarxiga to'liq kiritish to'g'risidagi qoidalar mavjud bo'lib, ular soliqqa tortiladigan foyda miqdorini sezilarli darajada kamaytiradi. Kelgusi yillarda O'zbekiston soliq tizimini takomillashtirish xorijiy davlatlarga nisbatan qulayroq soliq iqlimini yaratish, iqtisodiy o'sishga hissa qo'shish, ham xorijiy, ham mahalliy investorlarni jalb qilish, ishlab chiqarish sektorini, kichik va o'rta biznesni rivojlantirishga qaratilgan bo'lishi kerak va shu tariqa mahalliy byudjetlar daromadini shakllantirishda mahalliy soliqlarning ahamiyati va bu bo'yicha xalqaro tajribani tahlil qilish orqali quyidagi ilmiy xulosa va takliflami kcltirishimiz mumkin.

Birinchidan, mahalliy hokimiyat organlariga mahalliy soliqlar bo'yicha daromadlarni shakllantirish, mahalliy byudjet xarajatlarini amalga oshirishda ma'lum darajada erkinlik berilishi zarur. Bunday erkinlik berilishi hududning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Ikkinchidan, xalqaro amaliyotda mamlakatlar miqyosida mahalliy soliqlar va yig'imlaming tarkibi turlicha ekanligini ko'rishimiz mumkin. Shuningdek, soliq solinadigan obyektlar va soliq solinadigan bazalar bo'yicha ham farqlar kuzatiladi. Xalqaro tajribani o'rganish orqali milliy amaliyotimiz uchun foydali jihatlarini moslashtirishda yuqorida ta'kidlangan omillarni inobatga olish lozim. Aks holda soliq yuki oshishi va soliq to'lovchilarga salbiy ta'sir qilishi mumkin.

Uchinchidan, mahalliy soliqlar bo'yicha samarali mexanizmni shakllantirishda soliq madaniyati va mahalliy shart-sharoitlarni ham inobatga olish lozim, chunki bu soliq undiruvchanligiga ta'sir ko'rsatadigan jihat hisoblanadi.

To'rtinchidan, xalqaro amaliyotda rivojlangan mamlakatlarda mahalliy soliqlarning Davlat byudjetidagi ulushi rivojlanayotgan mamlakatlardagiga nisbatan keskin yuqori bo'ladi. Bu orqali aytish mumkinki, mahalliy soliqlarning Davlat byudjetidagi ulushi ma'lum darajada mamlakatning iqtisodiy rivojlanganligi va aholining daromadlilik darajasini ko'rsatib beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1.O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 28.12.2018.

2. Lars P.Feld, Friedrich Schneider. State and Local Taxation. // International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences (Second Edition), 2020. Pages 338-342.

3. www.soliq.uz - O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi rasmiy veb-sayt

ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

стажёр ўқитувчи Озодбек Жумақулов (Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти)

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ва сиёсий харакатлар ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш йўлида жалб қилинаётган инвестициялар ўз самарасини ижобий тарзда кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатимизда инвестицион сиёсатнинг оқилона ташкил этилганлигилан далолат беради.

Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлмоқда ва бу халқаро ҳамжамиятда бизнес ва инвестициялар учун турли хил тўсиқларини бартараф этишда очиқлик, янгиланиш ва қатъиятлилик рамзларидан бири сифатида майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунини самарали ижро этилиши учун инвесторлар билан давлат идоралари ҳамкорлигининг 4 босқичли механизми муваффақиятли йўлга қўйилган ва амалиётга жорий этилган. Ушбу механизм инвесторларнинг барча сўровларига тезкор жавоб қайтариш ва қонунда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишининг самарадорлигини керакли тарзда назорат қилиш имконини беради.

Дунё амалиёти ва тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорликнинг инвестиция ва инновацион фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни энди оддий воситалар билан, яъни имтиёзлар бериш ёки янги меъёрларни нашр этиш билан ҳал қилишнинг имкони йўқ.

Хусусий инвестицияларни фаоллаштириш учун тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш талаб этилади. Бизнес билан доимий мулоқот, муайян секторларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган тўсиқларни аниқлаш ва енгиб ўтиш бўйича қуйидаги йўналишларда ишлаш тизимини йулга қуйиш лозим:

- иқтисодий ўсишнинг бир маромдаги юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолиш учун мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва рақобатбардош, тизимларининг катта қисмини хусусий инвесторлар қўлида бўлган моделини шакллантириш;

- инвестициявий жозибадорликни ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлган инфратузилмага йўналтирилган инвестицияларининг жадал ўсишини таъминлаш мақсадида давлат-хусусий шериклик ва лойиҳаларни молиялаштириш воситаларини ривожлантириш орқали инвестициявий фаолиятни рағбатлантириш ҳам фаол тарзда олиб бориш;

- рақамлаштириш ва давлат хизматларини масофавий тақдим этиш орқали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бюрократик тўсиқлар ва чекловларни тўлиқ бартараф этиш учун инвесторлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар оптималлаштириш.

- шаффофликни максимал даражада таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш учун хорижий инвесторларнинг мурожаатлари ва сўровлари билан ишлашнинг электрон тизимларини кенг жорий этиш;

- иш кучи ва капиталнинг иқтисодиётнинг қонуний секторларидан яширин иқтисодиётга оқиб кетишига олиб келадиган транзакция харажатларининг камайиш;

- келгусида технологик ютуқларга эришиш нуқтасига айланиши ва кейинги 20-30 йил давомида мамлакат ишлаб чиқариш қувватларини ривожланиши учун замин яратиши мумкин бўлган Ўзбекистоннинг энг истиқболли соҳаларига йўналтирилган инвестиция сиёсати стратегияси ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Инвестиция муҳити мамлакатдаги барча фаолият соҳаларига таъсир кўрсатишини инобатга олган ҳолда, ислоҳотлар кўлами иқтисодий, институционал, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, сув таъминоти, энергетика, транспорт ва бошқа йўналишларни қамраб олди.

Жумладан 2021 йилга мўлжалланган давлат инвестиция дастурига мувофиқ, Ўзбекистон 2021 йил охирига қадар 321 та инвестицион лойиҳа бўйича 14.605 млрд долларлик ҳажимдаги хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, хусусан 79 та лойиҳа бўйича Ўзбекистон ҳукумати кафолати остида 1.854 млрд доллар ўзлаштирилса, 120 та лойиҳа бўйича 2.65 млрд долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилиши белгиланган.

Шунингдек, “Мотор заводи” аксиядорлик жамиятининг фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларида трактор тиркамалари, жумладан, ката хажимли тиркамалар, маиший техника учун таркибий қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилди. Яна бир муҳим объект Жанубий Кореялик инвестор ва мутахассислар билан хамкорликда ўтган 10-15 йил давомида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуасидир. Умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган ушбу мажмуа дунёдаги энг замонавий, юқори техналогиялар асосида ишлайдиган, йирик корхоналардан бири бўлди. Мажмуанинг ишга туширилиши йилига 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради. Илгари бу маҳсулот мамлакатимизга четдан катта валюта ҳисобига олиб келинар эди.

Иқтисодий ўсишда оқилона инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш етакчи ўрин тутади. Инвестиция сиёсатини самарали амалга ошириш учун қулай инвестиция муҳитини яратишга хизмат қиладиган қатор институтларни ташкил этиш лозим. Жаҳон иқтисодиётида самарали амал қилувчи модел бозор тизимига таянади ва миллий иқтисодиётнинг афзалликларидан тўлиқ фойдаланади.

Ўзбекистонда инвесторлар учун кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференсиялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёркин далилидир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики,

чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида хал қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади ҳамда

мамлакатимизда инвестиция сиёсатининг тўғри борилиши натижасида қуйидаги соҳалар ривож топади.

1.Ишлаб чиқариш (саноат);

2.Хизмат кўрсатиш соҳаси;

3.Экспорт ва импорт;

4.Туризм ва мехмонхона

5.Тоғ-кончилик.

Мамлакатимиз келажагини таъминлашда хамда халқ фаровонлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий ахволини яхшилашда инвестициялар муҳим ўрин эгаллайди. Натижада эса мамлакатда бўш иш ўринлари ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош товар ва хом-ашёларнинг ҳажми кенгаяди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, ПФ-60-сон 28 январь 2022 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни - Т.: 1998 й. 24 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни - Т.: 1998 й. 30 апрель.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги конуни.

5. Байхонов Б.Т Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишини эконометрик моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш. Монография. // Тошкент: “ИҚТИСОДИОТ”, 2017.-203 бет.

6. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2010. 328 б.

ГОСУДАРСТВЕННО –ЧАСТНОЕ ПАРТНЁРСТВО КАК ОДНО ИЗ ОСНОВНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ЧАСТНОГО КАПИТАЛА В РАЗЛИЧНЫЕ СФЕРЫ ЭКОНОМИКИ

Доктор экономических наук, доцент Кадирова Хадича Тураевна
(Наманганский инженерно – технологический институт)

В современной национальной экономике, когда постепенно формируются новые экономические отношения и она становится всё более интегрированной в мировое сообщество, возникает острая необходимость в структурных изменениях и более тесном взаимодействии государства и частного сектора.

Наиболее значимую роль начинает играть появившаяся новая, эффективная структура - государственно- частное партнерство (ГЧП). Она

ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ 175
ўқитувчи Жураев Элёрбек Собиржон ўғли (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)
НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ КИЧИК КЎЛАМЛАРДА МОЛИЯВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ 178
таянч докторант Бахриддинов Нодирбек, (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)
ISSUES OF INTRODUCING MODERN METHODOLOGY OF STRATEGIC PLANNING IN THE MANAGEMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES 183
PhD Ibragimov Isroil Uzmanovich, (Namangan Institute of Engineering and Technology)
MANAGEMENT OF ASSETS IN INSURANCE COMPANIES ISSUES 186
Assistent Baxromov Azizbek Alisher o'g'li (Andijon mashinasozlik instituti)
INVESTITSION MUHITNI SHAKLLANTIRISHGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR. 189
assistenti. Ashurova Oltin Yuldashevna (Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti)
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ АМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ 192
таянч докторанти Тургунов Мухриддин Мўйдинжон ўғли, (Фарғона политехника институти)
MAKRO VA MIKRO DARAJADA INVESTITSIYALAR JALB QILISH ISTIQBOLLARI. 194
Assistent Muhammadjonov Bobirmirzo Botirjon o'gli, (Namangan muhandislik-texnologiya instituti)
КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИ 197
ўқитувчи Назарова Латофат Тошржон қизи, (Фарғона политехника институти)
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ 199
ўқитувчи Яхшимуратова Севара Рустам қизи (Тошкент давлат иқтисодиёт институти)
THE IMPACT OF FOREIGN DIRECT INVESTMENT ON ECONOMIC GROWTH AND DEVELOPMENT 201
Teacher Azibaev Akhmadkhon Gulomjon ugli, (Turan International Universiy Business Administration faculty)
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ЖАРАЁНИ ХУСУСИЯТЛАРИ 203
таянч докторант Султонбоев Умиджон, (Наманган муҳандислик-технология институти)
МАМАЛАКАТИМИЗДА САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ 207
ўқитувчи Хомидов Миродил Хасанбой ўғли (Фарғона Политехника институти)
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA KICHIK BIZNESNI RIVOJLANTIRISHDA SOLIQLARNI TUTGAN O`RNI VA AHAMIYATI. 209
PhD Sobirov Otabek Olimjonovish, Katta o`qituvchi Inomov Abduzalom, (Namangan muhandislik-texnologiya instituti)
РОЛЬ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИЙ СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ 211
старший преподаватель А. Айтбаев, ассистент И. Пирлепесова (Каракалпакский государственный университет)
КОРПОРАТИВ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 214
эркин тадқиқотчи Ахмедов Ойбек Тургунпулатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)
АНАЛИЗ ИНВЕСТИЦИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ 217
Докторант А. К. Бекбосынов (Каракалпакский государственный университет)
SOLIQLARNING DAVLAT BYUDJETIDAGI O'RNI 220
Katta o'qituvchi K.K.Bekbosinov (Qoraqalpoq Davlat Universiteti)
ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ 222
стажёр ўқитувчи Озодбек Жумақулов (Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти)
ГОСУДАРСТВЕННО –ЧАСТНОЕ ПАРТНЁРСТВО КАК ОДНО ИЗ ОСНОВНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ЧАСТНОГО КАПИТАЛА В РАЗЛИЧНЫЕ СФЕРЫ ЭКОНОМИКИ 225
Доктор экономических наук, доцент Кадирова Хадича Тураевна (Наманганский инженерно – технологический институт)
МИНТАҚАДА ИННОВАЦИОН СОҲАНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ